ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДА ВА ТИЛ ТАЪЛИМИ

Ш.ЮСУПОВА. Тил таълими ва фалсафа.- Т.: Мумтоз сўз, 2009.- 138 б.

Ш.Юсупованинг мазкур монографиясида тил ўқитишнинг илмий савиясини кўтаришнинг методологик асослари, ўқувчи-талабалар дунёқарашини шакллантириш, ҳозирги ўзбек адабий тилини фалсафа ва мантиқ илми асосида ўрганиш каби амалий-татбиқий масалалар ҳақида баҳс юритилади. Маълумки, комил инсон шахсига хос қирралардан бири унинг онгида соғлом менталитетнинг шаклланганлигидир. Бундай менталитет ҳамда шахс онгининг ривожланиши, асосан, таълим жараёнида амалга ошади. Ўқувчи-талабалар қачонки билим олишга эҳтиёж сезса, уларнинг онгида ривожланиш содир бўлади. Монографияда бундай жараённи амалга ошириш механизмлари бўйича тавсиялар берилган бўлиб, у 7 та қисмдан иборатдир. Айниқса, тил таълимида фалсафага асосланиш лозимлиги мисоллар асосида кўрсатиб берилгани билан эътиборга лойиқдир. Чунки ўқитувчи

моҳият-ҳодиса, сабаб-оқибатни билишга интилиш ҳиссини уйғота олса, ҳар қандай билиш, ўрганиш ҳам муваффақиятга йўл очади ва ўқувчи тафаккурининг фаол бўлишини, такомил топишини таъминлайди, ўрганилаётган ҳодисани мукаммал ва тўлиқ англаб етишга олиб келади.

Монографияда глобал таълим, 3х3 технологияси, воқеликни образли тасвирлаш, деннотатив ва коннотатив маъноларнинг тил таълимидаги ўрни каби масалалар мисоллар асосида тушунтирилади. Унда борлиқ ва унинг унсурлари (бутун ва бўлак), нарса ва ҳодисалар (от) мавжудлиги, уларнинг ўзаро бири иккинчиси билан алоқадорлиги (система), шу билан бирга ўзаро фарқланиши (лексик-семантик гуруҳлар), нарсаларнинг хусусиятларга эга бўлиши (сифат), уларнинг замонда мавжуд эканлиги (замон категорияси), инкор ва тасдиқни ифодалаши (бўлишли-бўлишсиз) ва бошқа фалсафий тушунчалар лисоний тушунчалар билан муқояса қилинган ва она тилини ўқитишда фалсафий қонуниятларни татбиқ этиш дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, диалектикадаги миқдор ва сифат ҳодисасини тил ўқитишга татбиқ этиб, уни фонетик сатҳ мисолида тушунтиради.

Маълумки, мантиқ тўғри фикр юритишнинг қонун ва шаклларини ўрганадиган фандир. Демакки, тафаккур ва унинг услублари, қонунлари мантиқ илмида ўрганилади. Китобда мантиқ илмининг бевосита нутқ билан боғлиқ эканлиги мисоллар асосида тушунтирилган. Чунки мантиқий фикрлашда воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти англанади, маълум тушунча, ҳукм, хулоса пайдо бўлади. Мантиқ кишини ўйлашга, фикрлашга ўргатади. Бундай фикрлашда таҳлил ва таққослаш, бунинг натижасида дарсга бўлган қизиқиш, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмалари ривожланиб бориши фактик мисоллар асосида тушунтирилади.

“Фикр ривожида маҳсулдор ўқитишнинг ўрни” деб номланган бўлимда эса тафаккур ва нутқ ривожида тасвирнинг ўрни ва аҳамияти, ўқитишда тасаввур, тасвир ва таъриф уйғунлиги асосий вазифалардан бири эканлиги уқтирилади.

“Ҳозирги ўзбек адабий тили таълимида сўзнинг ўрни” деб номланган бўлимда сўз қудратининг тилўқитишдаги аҳамияти ҳамда сўздаги тежамкорлик тамойили, шунингдек, “фонетик сатҳ”ни ўрганиш бўйича модулли дарс ишланмаси берилгани эътиборга лойиқдир. Шунингдек, монографияда умумийлик ва хусусийлик, бутун ва бўлакнинг тил ўқитишдаги аҳамияти, ҳозирги ўзбек адабий тилини ўқитишда тизимлиликнинг акс этиши, валентлик назарияси, семантик майдон тушунчаси асосида билим ва малака ҳосил қилиш йўллари изоҳлаб берилган. Муаллиф нутқ шахснинг ижтимоий белгилари билан боғлиқ эканлигини айният қонуни асосида Ўткир Ҳошимовнинг “Умр савдоси” номли асаридан олинган парча орқали тушунтириб, изоҳлаб бера олган.

“Тил таълими ва фалсафа”номли ушбу китобда талабалар шахсини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, таълимда машғулотлар ранг-баранглигига эришиш, мотивация ҳосил қилиш ва шу йўл билан тафаккур ўстиришнинг йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган. Мазкур ишда билим олувчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда мавзу ҳажмини белгилаш, бериладиган топшириқ ва мустақил ишларнинг кетма-кетлигини аниқлаш, мантиқий фикрлашни амалга оширишда интерфаол усуллардан фойдаланиш, англашнинг моҳияти кабилар эътиборга олинган. Шу билан бирга, таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлиги ҳисобга олиниб, тил фанини ўқитишда фалсафий фикрлашга одатлантиришга асос солинган.

Мазкур қўлланма таълимда инновацион технологияларни қўллашга замин ҳозирлайди ва ўқитиш тамойилларини кўрсатиб беради. Шунингдек, тил фанини бошқа фанлар билан боғлаш масалалари бўйича назарий қарашлар, методик маслаҳатлар ва услубий йўналишлар берилганки, ундан ҳозирги ўзбек адабий тили фанидан дарс берувчи ўқитувчилар, она тили муаллимлари, қолаверса, талабалар, магистрлар, аспирантлар ва бошқа қизиққан ўртоқлар фойдаланишлари мумкин.

Б.ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор